

Туркман халки тарихи хакида. Туркман халки Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери яшаб келаётган, туркий тилда сўзлашувчи халклардан биридир. Туркман халкининг адабиёти ва маданияти, Ўрта Осиёда яшовчи козок, киргиз ва қорақалпоқ халқларининг адабиёти ва маданияти сингари, фольклар асарлари шаклида ривожланди.

Туркман халки асрлар давомида чет эл босқинчилари-эронийлар, араблар, мўғул истилочилари, Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида қолиб келганлиги сабабли, туркман миллий адабиёти ва маданиятининг ривожланиши учун зарур шароит йўқ эди. Шунга қарамай, туркман халки ўз миллий тилининг софлигини сақлаб қолди, ўз миллий адабиёти ва маданиятини тараккий эттириш учун қураш олиб борди.

Халқ орасида туркман меҳнатқаш оmmasининг орзу- умидларини қуйловчи эртақлар, достонлар, ангула ва кўшиқлар ҳам кенг тарқалган. Бир қанча туркман халқ латифаларида доно ва тадбиркор Каминанинг образи яратилганки, у ўзининг кўп хусусиятлари билан ўзбек, тожик ва озарбайжон халқ латифаларида кўринган Афанди ва Мушфикий образларига жуда яқин туради.

Ёзма адабиётининг шаклланиши. Ёзма адабиёт Туркманистонда тахминан XI-XII асрларда, дастлаб Аҳмад Яссавий ва Али сингари диний мотивларни тараннум қилган шоирларнинг ижоди таъсири остида туркий (чигатой) тилида юзага келади.

XIV асрда туркман ёзма адабиётининг тараккиётига қатта ҳисса қўшган Бурхониддин Сивосий ва Сайид Имониддин Насимийлар яшаб ижод этдилар. Бу ёзувчилар ижодида ҳам диний-мистик адабиётнинг таъсири яққол сезилиб туради. Лекин шунга қарамай, туркман адабиёти тарихини ўрганишда уларнинг ижоди салмоқли ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, Хоразмда тугилиб, хаётини Кичик Осиё шаҳарларида ўтказган Сивосий ўз шеърларини биринчи бўлиб туркман тилида ёзди. У поэзияга аруз вазнини киритди. Хунарманд оилада тугилиб ўсган ва ўқимишли киши бўлиб етишган Насимий ўз асарларини Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларида дарбадарликда хаёт кечирган йилларида яратди. Насимий ўзининг ўткир ҳажвий асарлари учун рухонийлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

XVIII аср туркман адабиётининг йирик вакиллари Андалиб, Озодий, Маъруфий, Гойибий, Шайдоий, Шобанда қабилар ўз ижодларида форс-тожик, озарбайжон ва ўзбек адабиётларининг энг яхши анъаналарини давом эттирдилар. Шоир Шобанданинг "Шох-бахром", "Гулу Булбул", "Хўжамберди" достонлари ва кўп лирик шеърлари, Маъруфийнинг "Сайфул-мулк-Мидхал Жамол", "Юсуф ва Аҳмад", "Давлат Эр" достонлари, Шайдоийнинг "Қиссаи Санав-бар" достони кенг халқ орасида жуда машхур. Андалиб ижоди. Андалиб таҳаллуси билан ижод этган Нурмухаммад Гариб XVIII аср туркман адабиёти тарихида ўзининг лирик газаллари ҳамда "Лайли-Мажнун", "Юсуф-Зулайхо", "Зайнулараб" қабил асарлари билан сезиларли из қолдирган шоирдир. У асли қорамозилик (ҳозирги Туркманистон Республикаси, Илонли туманининг Қорамози қишлоғи) бўлиб, бир қанча вақт Хоразмда (Урганч) яшаган, "Юсуф—Зулайхо" достонининг қириш қисмида шоир ўзи хакида шундай ёзади:

Исмим эрур Нурмухаммад Гариб,

Сўзда таҳаллусим эрур Андалиб.

Шаҳримиз Урганч вилоят эрди,

Хонимиз шох Гози жамоати эди.

Асли маконимиз Қорамозидур,

Олами ишратда кишу ёзидур.

Кези келганда шуни хам кайд этиб ўтиш лозимки, Хоразмда "Гуругли". "Шохсанам ва Гариб", "Тохир ва Зухра", "Хурилико ва хамро", "Саётхон ва хамро" каби дostonлар окин-бахшилар томонидан тингловчиларнинг талабига караб гоҳ ўзбек, гоҳ туркман тилида куйланган. Бу эса хар икки халк шоирлари, окин - бахшилари ижодий хамкорлигининг анча тез ривожланишига сабаб бўлган. Андалиб мана шу адабий мухитда калам тебратганлиги сабабли унинг асарлари, шубхасиз, иккала халкка хам тушунарлидир. Туркменистон Фанлар академиясининг академиги Б. Карриев айтганидек: "Шоир Андалиб ... аксар асарларини ("Угузнома", "Насими", "Саъди Ваккос", "Юсуф ва Зулайхо" ва бошқалар) ўзбек ва туркманларга бир хилда тушунарли тил ( ва форма) да яратган"

Андалиб газаллари, дostonлари Хоразмда кенг оммалашиб кетган. XVIII- XIX асрларда яшаган Хоразм шоирлари унинг газалларига назиралар ёзганлар, мухаммаслар болаганлар. Замонасининг кўзга кўринган шоири хисобланган Мунис Хоразмий Андалиб ижодига бўлган мухаббатини мана бундай ифодалайди:

Дахр ичра биров сен каби олий насаб эрмас,  
Хар бебасар авсофини демак адаб эрмас,  
Мунисга йулингда юрумак бесабаб эрмас,  
Боксам юзунгга, Андалиббосо ажаб эрмас,  
Фуркатзада булгонга висолинг на бало хуб.

Шуни айтиш керакки, Андалиб лирик газаллари билангина эмас. балки эпик асарлари билан хам замондош ва ўзидан кейинги калам ахллари илхомлантирган. уларга ижодий таъсир этган. Андалиб ижодидан, хўсусан унинг дostonларидан илхом олиб, баракали ижод килган ўзбек мумтоз шоирларидан бири Зокиржон Фуркаддир. Фуркатнинг «Сайдинг куябер сайёд, сайёра экан мандек» мисралари билан бошланадиган машхур мусаддаси Андалибнинг «Лайли - Мажнун» дostonидаги Сайдинг куябер сайёд, дилпора экан мендек» бошланмали мухаммаси таъсирида ёзилгандир. «Шарк Юлдузи» журналининг 1966 йил 3 сонида Зухра Толипованинг «Бир мусаддас тарихи» деган маколasi босилган бўлиб, унда мусаддаснинг ёзилиш тарихи хакида кимматли маълумот келтирилган эди. Муаллифнинг мусаддасдаги Саъдулланинг тарихий шахс эканлигини далиллаш учун келтирган факти бу масалага бир мунча аниклик киритди. 3. Толипованинг ёзишига караганда, Саъдулла фожиаси билан боғлиқ бўлган воқеа мана бундай . Ўтган аср ўрталарида Тошкентда Иса хофиз деган киши яшаган. Унинг Абдулла ва Саъдулла деган угиллари бўлган. Абдулла ниҳоятда хушовоз бўлиб, халк уни «Абдулла булбул » деб атаган Абдулланинг укаси Саъдулла хам хофиз экан. Фуркат ака-ука хофизлар билан шоир Мискин орқали танишган ва кадрдонлашиб кетган. Иса хофизнинг угиллари Фуркат газалларини кўчириб хофизларга, шеър хавасмандларига тарқатишар экан.

Саъдулла довюрак, адолатли, халкпарвар йигит бўлиб, Фуркат унинг бу хислатларини жуда хурмат килар экан. Саъдулла Фуркат томонидан ёзилган хажвияларни укиб юрганлиги учун бойлар газабга келиб, ундан ўч олмокчи бўлишади. Кунларнинг бирида Иса хофизнинг уйига бир киши келиб Абдулла билан Саъдуллани сўрайди. Саъдулла акаси йўклигини айтганида, халиги киши: «бўлмаса ўзингиз юра колинг, зиёфатга айтиб юборишди. Дўстингиз Фуркат хам бўладилар», дейди. Фуркат номини эшитган Саъдулла рози бўлади. Улар бир бойникига кириб боришади. У ердагилар Саъдуллани очик юз билан кутиб олишиб уни юкорига ўтказишади. Саъдулла танишларидан уч тўрттасини

куради-ю, лекин Фуркатни кўрмай хайрон бўлади. Бир оздан сўнг ўтирганлардан баъзилари унга аччик гаплар ота бошлашади. Довюрак Саъдулла уларнинг бу гапларига парво хам килмайди. Бу эса ўтирганларнинг жигига тегади. Хуфтон номозини укиш учун ўринларидан туришганда Саъдуллани «хурматлаб» олдинга ўтказишади. Саъдулла бошини саждага қўйиши билан оркадан тўрт норгул йигит унга ташланиб, огзига латта тикишади, кул-оёқларини боғлашади. Шундан кейин катта кора шолга урашади-да, пасткамликлардан судраб бориб, анхорга ташлашади. Юкоридагилардан маълум бўляптики, Саъдулла- тарихий шахс. Фуркатнинг «Сайдинг куябер сайёд...» шеъри Саъдулла хофизнинг фожиавий ўлими муносабати билан ёзилган марсиадир. Хофизлар уни куйга солиб, ашула килиб юришган.

Фуркат адабий мероси танишар эканмиз, шоирнинг Андалиб ижоди, унинг асарлари билан танишлиги, илхомланганлиги, таъсирланганлиги тугрисида хеч кандай маълумот учратмадик. Мархум профессор Х.Зарифов «Сайдинг куявер сайёд...» шеърига бағишлаб ёзган бир мақоласида Фуркат мазкур мусаддасни «Лайли ва Мажнун» достонидан ижодий фойдаланган холда ёзганлигини кайд этиб, шундай дейди: «Бизнинг фикримизча, Зокиржон Фуркат шеъриятга берилган йилларида мазкур «Лайли ва Мажнун» достонини бирор нусхасини ўқиган, классик адабиёт оркали унга таниш "бўлган мазкур эпизод билан боғлиқ ўша мухаммас сезгир шоирнинг юрагига тўкинган». Х.Зарипов тилга олган «Лайли ва Мажнун» достони ва ундаги мухаммас, шубхасиз, Андалиб каламига мансубдир.

Бизнингча, «Сайдинг куявер сайёд...» мусаддаси Андалиб мухаммасига татаббуридир. Татаббуъ приймага кўра, бир шоир томонидан бадиий қолипга солинган бир хил мазмун бошка шоир томонидан давом эттирилади, унга эргашиб, уни янги формага, янги ифодага қолипга солинади. Натижада бир мазмун турли бадиий формага тушади, турли вариантдаги шеърий асарлар майдонга келади. Татаббуъ XIX-XX асрлар шеъриятида кенг қўлланган адабий приёмлардан хисобланади. Уша даврда яшаб ижод этган Муқимий, Завкий, Аваз каби демократ шоирлар шеъриятдаги бу приёмда кўплаб асарлар яратган. Фуркат ўзининг «Саргузаштнома» асарида бу бадиий приём хақида куйидагиларни ёзган эди: «хамиша мажлис буёд айлаб зодаи табларимиздин мушоира килур эдик ва бир газалда татаббуъ кургузуб, бир мазмун хар ифода топар эрди», Фуркат калбидаги ижодий ниятнинг юзага чиқиши учун шароит, хаёт озукиси керак эди. Шоир хаётининг кузатиб юриб, ўз бадиий мақсадига мос келадиган хаётий ходисага - дўсти Саъдулло фожиасига дуч келган. Шундай килиб, Саъдулло хофиз такдири «Сайдинг куявер сайёд...» мусаддасининг майдонга келишида жиддий туртки бўлган хар иккала асарнинг яъни Андалиб мухаммасига хамда Фуркат мусаддасини гоёвий бадиий-жихатдан киёсласак, бу фикр яна равшанрок бўлади. Мусаддас гоё ва образлар билангина эмас, балки шакл жихатдан хам мухаммасга жуда ўхшайди.

Андалиб:

Сайдинг куявер сайёд, дилпора экан мендек,  
Чулларда кезиб юрган сайёра экан мендек,  
Сар то сахи хижрондан кўп ёра экан мендек,  
Ол домингни буйнидан, бечора экан мендек.  
Ишк офатида Мажнун йўлидаи- пар бўлдим,  
Аъзоимни эл билмас, ахволи - дилгар бўлдим.  
Буларни назр кил деб, сенга юз тутар бўлдим,

Гуёки киёматлик, мен сенга писар бўлдим,  
Ол домингни бўйнидан бечора экан мендек.  
Фуркат:

Сайдинг кўёбер сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домингни бўйнидан. бечора экан мендек.

Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек.

Икболи нигун, бахти хам кора экан мендек,  
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мендек.

Куйган жигари-багри садпора экан мандек.

Ўйк хуши пари теккан девонага ўхшайдур,

Кўз ёши ана тўлган лаймонага ўхшайдур.

Гам сели оилан кўнгли вайронага ўхшайдур,  
Фуркатда бу Сайдулло, хайронага ўхшайдур,

Хижрон ўкидан жисми кўп ёра экан мендек.

Куйган жигари-багри садпора экан мендек.

Бу парчалардан кўришиб турибдики, бандлар хар жихатдан- мазмун жихатдан хам, шакл жихатдан хам охангдош. Шундай бўлса хам, бандларнинг фарк киладиган томонлари бор. Чунончи, Фуркат бандларини хажм жихатдан кенгайтирган. асарнинг таъсир кучини оширган. Шунингдек, Фуркат асарга ўз даври талабларига кўра кенгрок мазмун беришга ҳаракат килган.

Мухаммасда хам, мусаддасда хам сайёд зулм. зўрлик ва адолатсизлик. сайд эса туткунлик тимсоли сифатида талкин этилади. Иккала ижодкор хам зўлм ва жафо кўрган сайдга ачиниш хисси билан карайдир, сайёдни эса, эркинликнинг ашаддий душмани сифатида ланатлайдилар. Андалиб мухаммасидаги мазмун хамда сайд ва сайёд образлари мусаддасда хам сакланган. Шунга карамасдан, мусаддасдаги образлар мухаммасдаги образларнинг такрори эмас. Фуркат дўсти Саъдуллонинг душманлари томонидан кўл-оёқлари боғланган холда хар томонга судраб юришлари холатини бўрттириб кўрсатиш учун Андалиб мухаммасидаги образларга мурожаат килган бўлсада, бу образларга реалистик бўёқлар беришга ҳаракат килган.

Андалиб ўз асарларида Мажнун холатини, унинг калб изтиробларини кўрсатиш учун оху образидан фойдаланган бўлсада, Фуркат бу аллегорик образ оркали кўл-оёғи боғланган Саъдуллонинг аянчли ахволини тасвирлаган:

Бечорани зулм айлаб, кўл буйнини боглабсан,  
Хар сори чекиб-судраб, улдурғали чорлабсан,  
Куксини жафо бирла лола каби доглабсан, Сот  
манга, агар касдинг олгувчи суроглабсан,  
Хижрон ўкидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-багри садпора экан мандек.

Мазкур сатрларни ўкиган китобхон кўз ўнгида оху эмас, балки ўлим чангалида турган инсон- Саъдулла гавдаланади. Андалиб мухаммасида сайёддан охуни озод килинишини ўтиниб сўраса, Фуркат бегунох Саъдуллани бўшатишни талаб килади.

Юкорида баён килинган фикрларни хулосалаб айтиш мумкинми, Фуркат туркман шоири Андалиб ижоди, хусусан, унинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги мухаммасдаги илгари сурилган гоёлар Фуркат талкинида янада юкори поғонага кўтарилди. Шоир ўзининг турмуш хақидаги олийжаноб орзу-истакларини, эркин ва кўвнок хаётга бўлган интилишларини, эрксизликка, хаксизликка бўлган нафратини ифодалашда Андалиб

тажрибасига таянди, унинг мухаммасига мусаддас билан жавоб бериб, шоирлик исътедодини янада равшанрок намоён этди. Мусаддасининг ўзбек демократик адабиётининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб колганлигининг боиси ҳам шунда. Нурмухаммад Гариб Андалиб яратган бир канча дostonлар орасида энг машхури "Лайли ва Мажнун" дostonидир. Андалиб дostonида Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарининг сюжети, образлар системаси тўлик сакланган бўлса ҳам, унда шоир XVIII аср туркман халкининг хаётини акс эттиришга интиланган. Халк огзаки ижодидан баракали фойдаланган. Андалибнинг "Лайли ва Мажнун" асари унинг вафотидан сўнг огиздан-огизга кўчиб, халк орасида кенг таркалди. Дoston туркман тилида насрий ва шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, унда туркман халк огзаки ижодининг ҳам кучли таъсири сезилади. Дostonнинг сюжети Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" дostonига караганда анча ихчам, унда баъзи эпизодлар тушириб колдирилган. Зўр бадий махорат билан яратилган бу асарда Лайли, Кайс, Зайд, Кайсининг ота-онаси образлари жуда ёркин бўёклар билан чизилган. Андалиб Навоийнинг кўр-кўрона такдидчиси бўлиб колмаган, балки ўз ишига ижодий ёндашган. Насрий парчаларда шоир кўпрок асарнинг сюжет чизигини ривожлантурса, унда салмокли ўрин тутган шеърий парчаларда эса кахрамонларнинг рухий кечинмалари, психологияси ва ички дунёсини очиб беради. Бу жихатдан Лайли ва Мажнун ўртасидаги, Кайс ва унинг отаси ўртасидаги шеърий диалоглар, шунингдек, газал ва маснавийлар диккатга сазовордир. Лайли ва Мажнунларнинг фожиали севгисини хикоя килиш жараёнида Андалиб баъзан юмордан фойдаланади. Масалан, Кайс билан Лайли бир мактабда ўкиб, бир-бирларини севдилар, лекин тез орада бундан хабардор бўлган Лайлининг отаси ўз кизини мактабга юбормай кўяди. Кайс мактабга келиб Лайлини учратмагач, каттик хаяжонланади. Муаллим ундан: "Кечаги сабок нима эди, айт", деб сўраганда, Кайс пгундай жавоб кайтаради:

Хар сабо келарди гулдек очилиб,  
Кулганда огзидан дурлар сочилиб,  
Ё ўлдими, кафан тўни бичилиб,  
Не бўлди, билмайман, келмади Лайли?

Андалибнинг замондоши Давлатмамед Озодий ўз шеърларида бир канча ижтимоий муаммони кўтариб чикди. Ўз даврининг илгор кишиси бўлган Озодий Бухоро амирлари, Хива хонлари зулми остида эзилиб келаётган халкнинг озодлигини орзу килди, халкни хонавайрон килувчи ўзаро феодал урушларни каттик коралади. Шоирнинг "Ваъзи Озод" асарида ўзбек, форс-тожик ва туркман мумтоз шеъриятининг кўпгина фазилатлари ривожлантирилган.

Туркман мумтоз адабиётининг асосчиси Махтумкули мамлакатда Эрон шохи Нодиршоҳ хукмронлик килган даврда яшади. Унинг ёшлиги Гургон шахри якинидаги Хожигавшан кишлогига ўтди. Махтумкули Хивадаги Шергозихон мадрасасида таълим олди. Эрон кўшинлари билан бўлган жанглардан бирида асир тушган шоир бир неча вақт Эронда яшади.

Ўзининг "Чакирик" номли шеърида Махтумкули туркманларни Эрон боскинчиларига карши курашга даъват этади. Шоир туркман халкини озод ва туркман тупрогини обод кўришни орзу килар эди.

Махтумкули туркман шеъриятида шакл ва мазмун новатори бўлиб колди. У газалчиликни хар томонлама мукаммаллаштирди, газалда ишк-мухабатни ижтимоий мавзу билан боглаб ривож-

лантирди. Махтумкули шеърларининг вазни равон, ўйноки тили эса жуда содда бўлганлигидан халк орасида тез тарқалди, куйга солиниб айтиладиган бўлди.

XVIII-XIX асрлар туркман адабиёти тараккиёти. XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирлари Саидий, Котибий, Мискин Килич ва Зелилий туркман адабиётида Махтумкули ижодининг давомчилари эдилар. Саидий Эрон подшосининг асири, Зелилий эса Хива хонининг тутқуни сифатида жуда кўп кийинчиликларни кечирдилар. Бу шоирлар ўз ватанларидан узокда яшаган бўлишларига карамай, уларнинг шеърлари ватанпарварлик ва қахрамонлик руҳи билан сугорилган. Саидий ва Зелилийнинг эхтиросли сатрларида, бир томондан, ўша замоннинг золим подшолари, беклари шафқатсиз танқид қилинса, иккинчи томондан, туркман халқига чуқур мухаббат хисси маҳорат билан ифодаланади, туркман чўли, шаҳар ва қишлоқларининг жонли тасвири чизилади.

Туркман мумтоз шоирларининг яна бир намояндаси Мулло Напас туркман таркок қабилалари бирлашиб, аввал Хива хониға, сўнг Эрон шоҳи аскарларига қарши озодлик ҳаракатини қучайтирган бир вақтда яшади. У ўз ватандошларининг озодлик учун олиб борган қурашларда эришган ютуқларини қўриб беҳад қувонди. Мулло Напас ўз лирик ва эпик ижоди билан ҳам халқ оғзаки ижодида, ҳам ёзма адабиётда муносиб ўринни эгаллайди. Унинг лирикасида ижтимоий мотивлар кўп қўринмаса-да, шеърлари гоёт содда ва равон ёзилган. Мулло Напас ўз шеърлари орқали туркман мумтоз поэзиясига озарбайжон, ўзбек ва тожик шоирларининг яхши анъаналарини сингдирди, ишқий мавзуда ёзилган шеърларида ҳам туркман халқининг қундалиқ ҳаётини ёрқин акс эттирди.

Адабиёт тарихида Мулло Напас ўзининг бизгача етиб қелган ўзининг иккита мазмундор достони билан машҳур. Улардан бири "Гелмишам" ва иккинчиси "Зўхро ва Тохир" достонларидир.

"Гелмишам" достонида шоир дунёвий пок севгининг ҳар қандай илоҳий қучдан ҳам - ажал фариштаси, Мухаммад пайгамбар ва ҳатто ҳудодан ҳам устун эканлигини Непес номли ошиқ йигит ва унинг садокатли маъшуқаси образларида усталиқ билан баён қилган.

"Зўхро ва Тохир" Тохир ва Зўхролар тўғрисидаги машҳур сюжет, афсона ва образлардан ижодий фойдаланиб ёзилган тамоман янги, оригинал асардир. Достонда тасвирлаишича, Тохир билан Зўхро бир-бирларини севадилар, лекин золим хон Бобоҳон ва ўша замондаги феодал муҳит бу икки ёш қалб севгисининг фожиали яқунланишига сабаб бўлади. Тохир ва Зўхро эски урф-одатлар ва зўравонликнинг қурбони бўладилар. Аммо буюқ инсонпарвар шоир достон воқеасининг фожиали тугалланишини истамайди, ўз севимли қахрамонларининг ҳалок бўлишини эп қўрмайди. Шунинг учун у Тохир билан Зўхро севгиси тўғрисидаги воқеани давом эттиради.

Достонда ҳикоя қилинишича, золим Бобоҳон тахтдан йикитилиб, унинг ўрнига Одилшоҳ номли маърифатпарвар, адолатли ҳукмрон ҳокимият тепасига чиқади. Мехнатқаш халқ эркин нафас олиб, мамлакат обод бўлади. Ана шундай фаровон ҳаёт шароитида Тохир ва Зўхро қайта тирилиб, ўз душманларидан қасос оладилар. Пок дунёвий севги ўлим устидан ҳам, қора қучлар устидан ҳам қолиб қелади. Ошиқ ва маъшуқ мурод - мақсадларига етадилар.

Қардош ўзбек, тожик ва қирғиз адабиётларида бўлгани қаби, туркман адабиёти тараккиётининг биринчи даврида ҳам (1905-1929) поэзия етакчи жанр бўлиб қолди. Бу вақтларда халқ шоири Қўр-муллонинг "Большевик" достони, Дурди Қиличнинг

"Золимлар", "Камбагаллар", Мулло Муртнинг "Туркменистон учун азизсан", "Озодлик" сингари шеърий асарлари даврнинг долзарб масалаларига багишланган эди.

Номлари тилга олинган халк шоирларидан ташкари, бу давр туркман адабиётига Б. Кербобоев, А. Аламишев ҳам ўзларининг биринчи шеър, дostonлари билан кириб келдилар. Улар яратган "Сона" (А.Аламишев), "Кизлар дунёси", "Одатнинг қурбони" (Б.Кербобоев) дostonлари туркман поэзиясининг дастлабки йирик асарлари эди. Б. Кербобоев ва А. Дурдиевлар ўзларининг биринчи хикоя ва повестлари билан проза жанрини, Ота Кавшутлов эса "Закаспий фронти" пьесаси билан драматургия жанрини бошлаб бердилар.

Проза соҳасида Б.Кербобоевнинг "Дадил кадам" (II қисм), "Небитдог"; О.Кавшутловнинг "Копетдог ён бағриларида" романлари; Беки Сейтаковнинг "Ўғилнинг совғаси", "Замондошлар"; Х. Исмоиловнинг "Икки отанинг ўғли" повестлари пайдо бўлди. Бу асарлар туркман ёзувчиларининг номини китобхонларига танитди.

Б.Кербобоев "Ойсултон" ва "Небитдог" асарларида замонавий мавзуга мурожаат қилади.

"Ойсултон" повестида Ойсултон ва Бекенч сингари ёшларнинг соф севғиси, меҳнати, оилавий ҳаётидаги янгиликларни тарғиб этган ёзувчи "Небитдог" романида туркман ишчилар синфининг ҳаёти ҳақида ёрқин бадиий манзара яратишга муваффақ бўлади. Ҳар икки асарда ҳам меҳнатсеварлик олижаноб фазилат эканлигини кўрсатади.

Ўзбек-туркман халқларининг дўстлик ва «кардошлик тарихи Амудай узун» (Гайратий). Бу кардошлик уларнинг адабиёти ва оғзаки ижодиётида чуқур из қолдирган. Гўрўгли бир қанча туркман халқ эпосларининг бош қахрамони бўлганидай, қирқдан ортиқ ўзбек халқ дostonлари ҳам унинг мардлик-олижаноблик ҳислатларини тасвирлашга багишланган. Тохир ва Зухра, Ошиқ ва Гариб сингари пок севги тимсоллари ҳар икки халқда ҳам зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади. А. Навоийни Махтумқули устоз сифатида қадрлади, унинг гуманистик гояларини янги тарихий шароитида ривожлантирди. Ўз навбатида, Махтумқули ижоди ҳам ўнлаб ўзбек газалчи адиблари ижодига барақали таъсир кўрсатди.

Туркман китобхонлари ҳозирги вақтда Ойбекнинг «Навоий» ва «Қутлуг қон», А.Мухторнинг «Опа-сингиллар», Ж.Шариповнинг «Хоразм», Ш.Рашидовнинг «Бўрондан қучли» романларини, А.Қаххорнинг «Синчалақ» повестини, Г.Қулум, Х.Олимқон, Уйқун, Зулфия, А.Орипов, О.Матқон, У.Азим, Қуршид Даврон, Н.Нарзуллаев, М.Бобоевларнинг шеърий асарларини ўз она тилларида ўқимокдалар.

Қарши давлат университетининг қатта ўқитувчи А. Қамдамов